

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 30-NOYABR, JUMA, 142 (8067)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Куннинг муҳим воқеалари

► Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида «Тафаккур синовлари» республика кўрик танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Самарқанд давлат университетининг «Улугбек воялари» жамоаси танловда голибликни қўлга киритди. Қорақалпоғистон давлат университети «Мустақиллик қанотлари» жамоаси иккинчи, Бухоро давлат университетининг «Истиқлол» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

► Наманганда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ёгин хавфсизлиги хизматининг жанговар тайёргарлигини кучайтириш мақсадида ўтказилаётган «Аълоҳи ходим» кўриктанловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан сараланган ёгин хавфсизлиги қисм бошлиқлари ҳамда ўт ўчирувчилари ўз билим ва касб маҳоратини синовдан ўтказди. Фолиблар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг диплом ва қimmatбахо совғалари билан тақдирланди.

► Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Асл зот мероси» оқиқ акция-дорлик жамиятида узумни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Йигирмадан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхонада кунга уч тоннагача узум уруги эзилиб, 150-300 килограмм атрофида тиббиёт ва косметикада қўлланиладиган узум мойи олинмоқда. Унинг 10 фоизидан ёғ олинса, қолган қисмидан қако кукунининг ўрнини бемалол боса оладиган қўшимчалар тайёрланмоқда.

► Бухорода Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мусофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 72 нафар йигит-қиз ўз истеъдодини намойиш этди.



БОЛАЛИК, БЕҒУБОРЛИК ВА САЊАТ ФЕСТИВАЛИ

«ИСТИҚЛОЛ» САРОЙИДА «ЯНГИ АВЛОД – 2012» РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ ГОЛИБЛАРИ ИШТИРОКИДА ГАЛА-КОНЦЕРТ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу фестивалнинг якуний босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, устозлар,

Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари тақдир этилди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, баъдий ва эстетик дидини тўғри шакллантириш, истеъдодини аниқлаш ва рўёбга чиқариш борасида

кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини тубдан яхшилаш, санъат таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан юксалтиришга оид чора-тадбирлар бунинг далолидир.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СANOATI РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда «Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати — AgroFood — 2012» халқаро конференция ўз иштини бошлади. Тадбир доирасида шу мавзуда бўлиб ўтаётган кўргазмада мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Бизнес-форуми (2-босқич)» лойиҳаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари ва «Парранда саноат» уюшмалари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбирларда мамлакатимизнинг вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар, озиқ-ов-

қат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, шунингдек, фермерлар иштирок этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодийнинг устувор ва катта аҳамиятга молик йўналишларидан ҳисобланади. Истиқлол йилларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6 баробардан ортиқ қўлайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши ўртача 6-7 фоизни ташкил этаётди. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз иқтисодий-аграр секторини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирларни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад энг сўнгги илм-фан ютуқларини омалаштириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноатида жорий этишдир. — Мазкур тадбирларда иштирок этаётганидан мамнунман, — дейди Ўзбекистон-Польша ҳайвонлар-

(Давоми 2-саҳифада)

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 ноябрь куни икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қозоғистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг таъшиқ иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, нефть-газ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш, авиатасуви каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири, комиссия ҳамраиси Рустам Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон-Қозоғистон иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий этилган.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2011 йили бу борадаги кўрсаткич 47 фоиз ўсиб, 2,7 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2012 йилнинг январь-октябрь ойларида ушбу кўрсаткич 2,2 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилди.

Транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Анжуманда икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари аниқ келишилган тартибда ишлайдиган ва экспорт-импорт операциялари ҳамда товарлар транзитини амалга ошириш учун барча қўлай шарт-шароитлар яратилган бир-бирига буюқ тизимга айланиши зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил тараққий этмоқда. Қозоғистонда ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил

этилмоқда, халқ усталари ҳунармандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусиқа ҳамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмоқда. Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шаҳарлари ва бошқа тўққиз ҳудудда ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари кўни» ўтказилаётди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Кримбек Қушербоев Қозоғистонда Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни кенгайтириш устувор йўналиш саналишини, ушбу мажлис икки давлат ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг ифодаси эканини қайд этди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги азалий дўстлик ришталари бугунги кунда мустаҳкамланиб бораётгани бизни гоят қувонтиради, — деди Кримбек Қушербоев. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи доирасида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо айланмаси йил сайин ошиб бораётди. Ҳамкорликимиз бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонаман.

Мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоиявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, минтақада сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини қўлайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

ЭРТАНГИ КҮН ИШОНЧИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ҳимоя ва реабилитация тадбирлари қалбларда, энг аввало, ана шундай туйғун мустаҳкамламоқда

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ёрдамга муҳтож кишиларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш амалга ошириладиган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Бу, айни пайтда жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар — ногиронларнинг жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этишлари учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий чора-тадбирлар миқосида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Айтиши жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни соҳадаги ишларни изчиллик билан амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мазкур қонунда ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқарув

органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек, ногиронларни реабилитация қилиш, уларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўққинликсиз кириши, транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан қўлай тарзда фойдаланиши учун шароитлар яратиш, уларнинг меҳнат қилиш ва таълим олиш тартиблари белгилаб

берилган. Бу борада ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва комплекс реабилитация тадбирларини амалга ошириш орқали уларнинг жамиятга тўлақонли йўнлашувига эришишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги **Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази** томонидан амалга оширилаётган хайрли ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бугунги кунда 200 ўринга мўлжалланган ушбу марказда ички, асаб, умуртқа погонаси жароҳати ва патологияси касалликлари, жароҳатлар оқибатидан ногиронларга тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш ҳамда протезлаш хизма-

ти кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, функционал-таъшиқлаш ва физиотерапия, даволаш жисмоний-бадан тарбия ва уқалаш, жароҳатлиқ блоки, компьютер-томмография, биокимё лабораторияси, стоматология каби бўлинмалар ҳам реабилитация тадбирларини амалга оширишда бево-сита қўмаклашаётди.

Марказимизда ҳар йили республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 5 мингга яқин ногиронларга тиббий, психологик, ижтимоий, касбий реабилитация ва ҳуқуқий маслаҳат ёрдами бериб келинмоқда, — дейди Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, Шокир Қосимов. — Жорий йилда Пре-

зидентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориға мувофиқ марказимизнинг даволаш бўлими биноси тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб, ногиронлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бунинг натижасида ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий реабилитация тадбирларининг қўламини ва иш сифатини янада яхшиланди.

Япония гранти асосида олинган 59 турдаги 308 донда замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш мақсадида соҳа ходимларининг малакаси мунтазам ра-



вишда ошириб борилмоқда. Бу ҳар томонлама сифатли реабилитация ишларини амалга ошириш имкониятини яратди.

— Ногиронларни ҳар томонлама реабилитация қилиш учун марказимиз барча қўлайликларга эга, — дейди марказ директори Аскар Мўминов. — Айниқ-

(Давоми 4-саҳифада)

Анжолон Вилояти

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ

ИБРАТ БЎЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ

Туман, вилоят миқёсидаги йилнинг давраларида олтинқуллик фермер Тоҳиржон Режапов ҳақида илқ сўзлар кўп айтади. Унинг иш юритиш усули, илгор тажрибаларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Тоҳиржон Режапов қарийб 50 йилдан буюн далада. У узоқ йиллар давомида ширкат хўжалигида ишлади. Мустақиллик шарофати билангина меҳнатидан қадр ва манфаат топди. Президентимизнинг ташаббуси билан фермерлик ҳаракати қўлч оша бошлаган вақтда фермер бўлишга аҳд қилди. Хўжалик ва туман раҳбарларига мурожаат этишдан чарчамади. Мутасаддилар эса унинг таклифи ва талабини рад этишмасан-да, алдовдан нарига ўтишмади. Ниҳоят, 1999 йили унга бир гектар ер ажратилиб беришди. Тоҳиржон Режапов «Истиқлол» фермер хўжалигини ташкил этди.

— Уша кунларни ҳамкасбларим ва фарзандларим даврасида доимо эслаб юраман, — дейди у. — 2006 йил кузга қадар 1 гектар ерим 7 гектарга етди. Шу дўпқидек ерда деҳқончилик қилиб ширкат билан фермерлик ўртасидаги фарқни исботлаб бердим.

2006 йилда фермерлик ҳаракати кенг йўл очилди. Тоҳиржон Режаповнинг орузлари амалга оша бошлади. У танловда иштирок этиб, экин майдонини 83,5 гектарга етказди. Катта фермер мақомига эга бўлган қишлоқ мулкдори

ғалла ва пахта етиштиришда ўзига хос тажриба мактаби яратди. Доимо шартнома режаларини уддалаб келди. Ҳар гектар ердан 40-41 центнердан ҳосил олиш одат тусига кирди. Пахта етиштиришда ҳам шундай натижа бардавом бўлди.

Жумладан, яқунлаётган йилда ҳам ҳар гектар ердан 41,6 центнердан пахта ҳосили йиғиб олинди. Қабул масканига 156 тонна юқори навли пахта етказиб берилди. Фермер биргина пахта сотишдан 137 миллион сўм даромад олди. Унинг даромад — харажат — соф фойда борасидаги ютуқлари кўпчилик фермерлар ҳавас қилишади.

Бу жамоанинг ҳамisha илгорлар сафида юришининг сир-асрори битта: ҳеч қачон бугунги иш эртага қолмайди. Шароитга қараб аротехник тадбирлар амалга оширилди. Бу йил баҳорда чигит экиш табиий шариот боис эртароқ бошланди. Харорат кўтарилиб, апрель ойи бошидаёқ бамисоли ёз ҳавосига айланди. Бази бир фермерлар «Барибир ёгин-сочин бўлади» дейишиб, бу борада бирмунча ҳаттоликка йўл қўйишди. Тоҳиржон Режапов эса хароратнинг авҳини



кўриб, барча майдонларга чигит суви берди. Қарабсизки, 3-4 кунда эгитларни ғўза ниҳоллари эгаллади. Унга эргашган бошқа фермерлар ҳам шартнома режаларини кўнгилдагидан зиёда тарзда адо этишди.

«Ер тўйса, эл тўяди» ҳикматиға амал қиладиган фермер доимо ерини тўйинтиришга интилади. Шу боис, фермер фекаловоз сотиб олди. Даласидан 3-4 қақирим нарида «Сува-оқова» корхонасининг

тозалаш иншооти жойлашган. Шундай кунлар бўладики, экинларни сугориш давомида кунга 20 мартагача «Сува-оқова» чқиндис олиб келиниб, эгитларга оқизилади.

Фермер билан навбатдаги мулоқотимизда унинг нимадандир хурсанд эканлиги сезилиб турарди. Суҳбат давомида билдикки, у даромади ҳисобидан 4 бош зотли қорамол харид қилибди. — Бунинг аҳамияти катта, —

дейди фермер. — Ҳар йили ҳайдов олдидан ерга ғўнг солиш зарур. Ана шунда ер ўзига келади. Хўжалигимизда қорамол боқишга аҳд қилганимнинг сабаби ҳам ана шунда. Бу йилги даромаддан яна 10 бош зотли қорамол сотиб олмақчимиз. 2 йилда улар сонини 30 бошга етказмақчимиз. Шунда нафақат даромадимизни оширамиз, балки ерни тўйинтириш имконини яратамиз. Қолаверса, чорва учун энг яхши озуқа беда бўлади. Беданинг яна бир хусусияти — у ер шифокори.

Хўжалик аъзолари Мирзажон Сотволдиев, Жўравай Соёпов, Олимжон Йўлдошевларни бугдойзорда учратдик. Ғўзапоядан тозаланиб экилган бугдой уруғи текис кўчат берибди. Бу сувчиларнинг маҳоратидан дарак. Кузда ўзини ўнглаб олган бугдой майсалари тиним даврига бақувват қиради. Эрта баҳордаёқ баравар ривожланади.

Ота-бола механизаторлар Қобилжон ва Муроджон Умаровларнинг тажрибаси қишлоқ мулкдорининг кундалик ишига мадор бўлади. Улар хўжаликдаги чопиқ, транспорт тракторларини ва бошқа техника воситаларининг созлигиға ҳамisha масъулият билан ёндашишади.

Фермерлик ҳаракатида янги босқични бошлаб берган Президентимизнинг Фармони кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди Тоҳиржон Режапов. — Фармоннинг ҳар бир сатрида бизга бўлган эътибор ва ишонч уфуриб турибди.

Қобилжон АСКАРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СANOАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айна шу масалага қаратилган.

— Ўзбекистонга илк бор 2010 йилда ихтисослаштирилган тренинглр ўтказиш учун келганди, — дейди Соуқ логистика глобал альянсининг халқаро дастурлари директори Ричард Трейси (АҚШ). — Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Масалан, ўтган йили Тошкентнинг Сергели туманида жаҳон стандартларига жаваб берадиган «Sergel-Agrofresh» музлатиш логистика комплекси очилган эди. Бугунги кунда ушбу комплекс

ташкilotимизнинг тўлақонли аъзоси ва ишончли ҳамкориға айланган.

Ташкиллат жоиқки, кўрғазмада мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг кенг турдаги маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

— Биз асосан турли навли анор етиштирамиз, — дейди Фаргона вилояти Кува туманидаги «Явлон» фермер хўжалиги раҳбари М.Зокоров. — Маҳсулотларимизни нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки МДХ давлатларининг тадбиркорлари ҳам сотиб олмақда. Конференция ва кўрғазмада қатнашиб бизга ўз салоҳиятимизни намойиш этиш билан бирга маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича фойдали ахборот олиш имконини ҳам бермоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎА мухбири.

Сурғаре Вилояти

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

Юртимизда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини модернизация қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар самараси пахта толасидан тайёр маҳсулотлар олишда ҳам яққол кўзга ташланаётур.

Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Сарруна текстил», «Барака текстил», «Нафис либос» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шаҳарда барпо этилган «Мили-Гулистон текстил» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасининг биринчи линияси 2009 йилда ишга туширилган эди. 2011 йил март ойида 6 миллион долларлик Швейцария, Италия ва Хитой технологиялари келтирилиб, корхонанинг иккинчи линияси ишга туширилган, бу ерда 300 та янги иш ўрни яратилди. Бир йилда 5 минг тонна тола ишлаб чиқаришга қўламли бўлган 7 миллион долларлик сифатли ип-калава ишлаб чиқарилиб, маҳсулотлар Россия, Украина, Хитой ва Туркия давлатларига экспорт қилинди.

— Жорий йилда корхона қувватини янада оширдик, — дейди «Мили-Гулистон текстил» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Умиджон Маҳаматжонов. — Ўтган 9 ойда 5 миллион долларлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Йил охиригача яна 3 миллион долларлик ип-калава ишлаб чиқаришни режалаштирдик. Шунингдек, корхонамизда «устоз-шогирд» аънаси йўлга қўйилган бўлиб, ходимларнинг келиб-кетишлари учун 4 та автобус ажратилган.

Айтиш жоизки, корхонада Дилфуза Донаева, Асқар Бадалов, Жаҳонгир Қодиров, Бахтигул Эргашева, Рўзигул Фармонова, Матлуба Ҳамдамова, Мадина Топшўлатова, Нозима Султонова каби оператор, лаборант, механик ва қадқоловчилар кунлик иш режаларини 120-130 фоизга бажариб, бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Навоий Вилояти

«Қизилтепа пахта тозалаш заводи» очик акциядорлик жамиятининг қўшимча тармоғида деҳқончилик қилинадиган 130 гектар экин майдони мавжуд. Жорий йилда унинг 60 гектарига бугдой, 30 гектарига пахта экилди. 120 тонна ғалла ва 71 тонна пахта ҳосили олинди. 10 гектар ерда боғ бор. Қолган майдонлар яйлов. Келаси йил ана шу яйловнинг бир қисмини тугтор яратилади.

ЕТТИ ХАЗИНА МУЖАССАМЛАШДИ

Корхонанинг қўшимча тармоқларига энди пиллачилик ҳам қўшилди

— Қўшимча тармоқларнинг афзаллиги кўп, — дейди корхона раҳбари Нозимжон Раҳматуллоев. — Пахта ва ғалладан ташқари чорвачилик билан шуғулланамиз. 20 бош қорамолимиз бор. Келаси йил уларга яна 50 бош зотли моллар қўшилади. Паррандачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Икки йил аввал «Азизобод» пахта тайёрлаш масканида паррандачилик фермаси ташкил этган эдик. Ҳозир бу ерда 7,5 мингта парранда парваришланапти. Уларнинг ярмидан кўпроги тухумга кирган. Эндиги режамиз яна бир қўшимча тармоқ — пиллачиликни ташкил этиш. Озуқа базаси учун етарли майдонимиз бор. Ҳадемай, тут кўчатлари ўтказишга киришамиз.

Дунёда одамни боқадиган ва бой қиладиган етти хазина бор. Булар сигир, асалари, ипак кўрти, обжувоз, тегирмон, ўрмон, парранда ҳисобланган. Уларнинг хазиналиги шундаки, қадим замонлардан айрим маҳсулотлардан қанчалик кўп фойдаланилмасин, уларнинг ўрни яна мунтазам тўлиб тураверилиши турмушда исботланган. Масалан, сигир ҳар кўни сут бераверади, товуқ ҳар кўни тухум қилаверади. Обжувоз ва тегирмон дон солиб турилса, тўхтамай мой ва ун чиқараверади. Асаларининг болю ўрмондаги дов-дархатлар ҳам нисбатан тугамасдир. Ипак мато бозорда ҳамisha харидордир.

Корхона 2012 йилда Қизилтепа ва Кармана туманлари фермерларидан режалаштирилган 29850 тонна ўрнига 33250 тонна пахта хомашёси қабул қилди. Айни пайтда ҳосилни қайта ишлаш қизгин давом этмоқда. Хомашёдан тола олиш кўрсаткичи 36,7 фоизни ташкил этапти.

Абдурасул САТТОРОВ

БОЛАЛИК, БЕҒБУРЛИК ВА САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу жараёнда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Болаларнинг ақлини тарбиялаш», «Болалик шарафига!», «Келажак овози», «Кичкинтой» каби фестиваллар, кўрик-танловлар, ижтимоий акциялар, халқаро мусобақалар, кўрғазмалар, ёш мусиқачилар, спортчилар, дизайнерлар, мусаввир ва ҳунармандларни кўлаб-қувватлашга оид грант дастурлари ўқувчи-ёшларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур жамоат ташкilotи томонидан аънавий тарзда ўтказилаётган «Янги авлод» болалар ижодий фестивали ўғил-қизларнинг қобилиятини эрта аниқлаш, ўз ижодини катта сахналар, муҳташам кўрғазма залларида намойиш этишда имконият яратиш, ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. 2004 йилдан буюн ўтказилаётган мазкур ижодий лойиҳада қатнашган ўғил-қизлар кўлаб халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, санъат фестиваллари, концертлар, кўрғазма ва биеналелар, фан олимпиадаларида совринли ўринларни кўлга киритмоқда. Айни пайтда болалар ижодийти марказлари, «Баркамол авлод» марказларининг ишини атрофича таҳлил этиш, улар фаолиятини янада юқори талаблар асосида йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилги фестивалнинг барча босқичида олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 30 минг нафарга яқин ўғил-қиз хонандалик ва созандалик, тасвирий ва амалий санъат, хореография, адабиёт каби йўналишларда ўз маҳоратини намойиш этди. Ижоди энг яхши деб топилган 858 нафар ўғил-қиз фестивалнинг республика босқичида қатнашиш имконини кўлга киритди.

«Янги авлод – 2012» фестивалининг якуний босқичи 23-28 ноябрь кўнлари Тошкент шаҳрида байрамона ва кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказилди. Болалик, беғбурлик, санъат ва маънавий байрамга айланган ушбу фестиваль доирасида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ёшлар ижод саройи, Республика рассомлик коллежида турли бадиий, фото кўрғазмалар, концертлар, жонли мулоқотлар бўлиб ўтди. Ёзувчи ва шоирлар, мусаввирлар, уста ва ҳунармандлар, санъат ва маданият намояндалари, хореографлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари болаларнинг адабиёт, тасвирий ва амалий санъат, рақс, мусиқага оид билиминини янада мустаҳкамлаш ва бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Фестиваль иштирокчилари учун Тошкентнинг диққатга сазовор масканлари, тарихий обидалар, музей ва театрларга саёхатлар ташкил этилди.

Ун бир ёшли Дадаҳон Абдуллаев Хива шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабиде аънавий хонандалик йўналишида таҳсил олади.



— Ушбу фестивалда «Мустаҳзод», «Хоразм ялласи» сингари кўшиқлар билан қатнашди, — дейди Д.Абдуллаев. — Шунингдек, янги дўстлар орттирдик. Уларнинг ижоди билан танишдик. Мазкур санъат байрами менда унутилмас таассурот қолдирди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎА мухбири.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кўни

ОГОҲЛИК — БЕЗАВОЛ УМР ДЕМАК

Бугунги кунда ОИВ инфекцияси (ОИТС пандемияси) дунё мамлакатлари аҳолиси саломатлигиға жиддий таҳдид солиб келмоқда. Мутахассисларнинг фикриға кўра, касалликка қарши курашишда профилактик тадбирлар ўтказиш ва беморларни белгиланган тартибда даволаш энг самарали усулдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда республика аҳолиси ўртасида ОИВ-ОИТС инфекциясига чалинишини камайтириш мақсадида қатор саяё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Республика ОИТСга қарши кураш марказининг ҳиссасини айтиб ўтиш жоиз. — Мамлакатимизда барча аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар орасида ОИВ инфекцияси тарқалиши олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари ҳамда бошқа мусобақиде ташкilotлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани боис ўтган йилларга қараганда касалликка чалинганлар сони камайишга эришилмоқда, — дейди марказ директори ўринбосари Фулом Ражабов. — Профилактик тадбирларда аҳолиға ОИТС касаллиги, унинг оқибатлари ва келиб чиқиш сабаблари ҳусусида батафсил маълумотлар берилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида ОИТСга қарши кураш марказлари фаолият юритмоқда. Вилоятлар ва туманлараро ОИТС лабораториялари жаҳон андозаларига мос замонавий таҳқиқ ускуналари ва текширув тест тизимлари билан жиҳозланган.

2005 йилдан Вирусология илмий-таҳқиқоти институти қошида махсус

бўлимлар ташкил қилиниб, у ерда катталар ва болаларни даволаш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда марказ қошида 60 ўринга мўлжалланган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар билан таъминланган шифохона очилди.

— Олимлар томониде ўтган давр мобайнида ОИТС хасталигини келтириб чиқарувчи ОИВ нинг икки хил тури аниқланди, — дейди олий тоифали шифокор Улмас Тошлонова. — Одам иммунитет танқислиги вирусини (ОИВ) деб номланувчи вирус одам организмининг турли хил инфекциялардан ҳимоя қилувчи иммунитетини емиради. Натижада ташқи ва ички касалликларға қарши курашиш қобилияти пасаяди.

АРВТ (антиретровирус) дори-дармонлари миқозларға бепул тарқатилади. Тўғри, касалликни бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Ушбу дори-дармонлар ёрдамида ОИВ инфекцияси ривожланишини секинлатишға эришиш мумкин. Мурожаат қилган беморларнинг аксарияти соғайиб, оиласи бағриға қайтмоқда. Болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишиға эришилмоқда. Энг муҳим, улим ҳолатлари камаймоқда. Бирок айрим беморларнинг ўз вақтида мутахассис текширувидан ўтмаслиги ва касалликка қарши дори воситаларини истемол қилмаслиги оқибатида эрта вафот



этиш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Ҳозирда касалликни вақтида аниқлаш мақсадида ОИВ инфекцияли ҳомилдор аёллардан туғилган болаларни ПЦР усулида текшириш йўлга қўйилган. Агарда онада ОИВ инфекцияси аниқланса, антиретровирус воситалари қўлланилиб, 98-99 фоизгача соғлом бола туғилишиға эришиш мумкин. Бунда аёл ҳомилдорлик даврида махсус вирусға қарши дори воситаларини қабул қилади, ҳомила жарроҳлик йўли билан олиниб, кўкрак сўтидан ажратилади ва болага маълум муддат вирусға қарши дори воситаси берилади. Чўнки ОИВ инфекцияси ҳомилдорлик даври ва туғуруқ жараёнида ҳамда она сўти орқали болага ўтиши мумкин.

Касаллик ўпишиб кўришганда, бирга овқатланганда ёки битта идиш-товоқдан фойдаланганда қўмайди. ОИВ инфекцияси жинсий алоқа ва қон орқали юқди. Шунинг учун қон қуйиш марказларида донорларнинг қатъий ўрнатилган тартибда танланиши талаб этилади.

Соҳиба СОЛИЕВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқарғаре Вилояти

Вилоят ички ишлар бошқармаси ёнинг хавфсизлиги бошқармасида «Ёнинг хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишға бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

ИЗЧИЛ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Тадбир таъкидланганидек, вилоятда ёнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилётган ишлар натижасида сўнгги беш йилда ёнғинлар сони 100 тага, фуқароларнинг ёнғинларда тан жароҳати олиш ҳолатлари 30 тага ва ҳалок бўлганлар сони 14 тага камайишға эришилди. Бу соҳа ходимлари томонидан олиб борилаётган профилактик ва тарғибот-ташвиқот ишлари, ўзини-ўзи боқариш органлари, газ ва электр идоралари ва бошқа дахлдор ташкilotлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирлар самарасидир.

Матбуот анжуманида сўз олганлар ойлик давомида белгиланган тадбирлар ва унинг дастлабки ихросига тўхталишди.

Тадбир давомида қатнашчилар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ёнғин техник маркази билан яқиндан танишдилар.

Хусан ТЕМИРОВ

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

Лот № 28-1. Строительство спортзала разм. 9x18м со вспомогательными помещениями для школы № 28 в к-ке Янгиобод Нишанского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 269.641.050 сум без НДС, 323.569.261 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Лот № 28-2. Строительство спортзала разм. 12x24м к школе № 39 в к-ке Акробод Камашинского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 310.125.300 сум без НДС, 372.150.361 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Лот № 28-3. Строительство спортзала разм. 9x18м со вспомогательными помещениями для школы № 31 в к-ке Карабуруг Чиракчинского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 236.846.456 сум без НДС, 284.215.748 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 3 месяца.

Лот № 29-1. Строительство спортзала разм. 12x24м к школе № 31 в к-ке Навкат Касбинского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 334.728.381 сум без НДС, 401.674.058 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Лот № 29-2. Строительство блока спортзала разм. 12x24м со вспомогательными помещениями для школы № 1 в г. Касане Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 305.729.008 сум без НДС, 366.874.810 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4,5 месяца.

Лот № 29-3. Строительство блока спортзала разм. 12x24м со вспомогательными помещениями для школы № 12 в к-ке Булух Миришкорского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 349.780.083 сум без НДС, 419.736.100 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4,5 месяца.

Лот № 30-1. Строительство спортзала разм. 12x24м к школе № 10 в к-ке Чашмамирон Дехкана-

бадского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 340.703.394 сум без НДС, 408.844.073 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Лот № 30-2. Строительство блока спортзала разм. 12x24м со вспомогательными помещениями для школы № 17 в к-ке Галча Гузарского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 289.194.254 сум без НДС, 347.033.105 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4,5 месяца.

Лот № 30-3. Строительство спортзала разм. 12x24м со вспомогательными помещениями для школы № 30 в к-ке Жанбулак Гузарского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 341.852.333 сум без НДС, 410.222.800 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4,5 месяца.

1. Строительство школы музыки и искусств № 5 на 150 посещений тип II в к-ке Карашина Дехканабадского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.825.773.543 сум без НДС, 2.190.928.252 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8,5 месяцев.

2. Строительство спортивного зала со вспомогательными помещениями 18x42м к ДЮСШ № 1 (Тип I) в г. Бешкент Каршинского.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.825.773.543 сум без НДС, 2.190.928.252 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8,5 месяцев.

3. Капитальная реконструкция детской юношеской спортивной школы № 2 в г. Китаб Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.233.392.067 сум без НДС, 1.480.070.481 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8,5 месяцев.

Финансирование осуществляется за счет: Фонд развития детского спорта Р/У.

Заказчик: Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията.

Адрес: г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3. Тел.: 227-13-

51, 227-18-51.

- По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

- По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью свыше 500 млн. сум при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.

Предприятия и организации выступавшие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительства банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу — г.Карши Ханабдское шоссе дом 46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛДА ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Объект номи: Сирдарё виллояти Гулистон тумани Зарбдор массиви кўча қурилиши (1 этап қурилиши 2012 йилга мўлжалланган)

Бошлангич нархи: ҚҚС билан 1 718 981 143 сўм, ҚҚСсиз 1 432 484 286 сўм. Қурилиш муддати: 185 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириши: Маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Сирдарё виллояти Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўч. -30, тел: 8 (367) 227-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга мос қилиши-

ри керак: ҳисобрақамида танлов савдолари предмет қийматининг камида 20 % миқдоридидаги бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни баҳарлиш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўқшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз қучлари билан баҳарлиладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фойздан кам бўлмаслиги шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйдаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё виллояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйдаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел (факс): (8 367) 227-64-42.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очирилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очирилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ ЛОТ:1

Подлот:1-1 Капитальный ремонт детского учебного центра творчества «Баркамол авлод» по улице Ш.Рашидова в городе Алмалык Ташкентской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет НДС – 630 328 541 сум.

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – 525 273 784 сум.

Срок строительства – 30 дней.

Подлот:1-2 Капитальный ремонт детского учебного центра творчества «Баркамол авлод» в городе Чирчик микрорайон №3 Ташкентской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет НДС – 714 366 454 сум.

Срок строительства – 30 дней.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счет средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет Гос-

бюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: ИКСЕЗ Ташоблхокимията.

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект Амира Тимура шох 17.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:

- наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выпол-

нению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навоий дом 18. 308/311 комнаты.

Телефон/факс: 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, пр.пекет, Амир Тимура 17.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней со дня опубликования объявления.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ № 2
Лот 2-1. «Жиззах виллояти Зомин тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 2 126,917 млн. сўм, ҚҚС билан 2 552,3 млн. сўм.

Лот 2-2. «Жиззах виллояти Фориш тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 2 955,667 млн. сўм, ҚҚС билан 3 546,8 млн. сўм.

ЛОТ № 5

Лот 5-1. «Жиззах виллояти Фаллаорол туманидаги 240 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш ва 9x18 м. спорт зали қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 939,666 млн. сўм, ҚҚС билан 1 127,599 млн. сўм.

Лот 5-2. «Жиззах виллояти Фаллаорол туманидаги 32-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 360 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 926,813 млн. сўм, ҚҚС билан 1 112,176 млн. сўм.

ЛОТ № 6

Лот 6-1. «Жиззах виллояти Фаллаорол туманидаги 11-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 180 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 550,711 млн. сўм, ҚҚС билан 660,853 млн. сўм.

Лот 6-2. «Жиззах туманидаги 54-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 180 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 444,898 млн. сўм, ҚҚС

билан 533,877 млн. сўм.

Лот 6-3. «Жиззах виллояти Фориш туманидаги 31-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 80 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 224,278 млн. сўм, ҚҚС билан 269,134 млн. сўм.

ЛОТ № 7

Лот 7-1. «Жиззах виллояти Зомин туманидаги 1-сонли мактаб филиалини капитал реконструкция қилиш: 240 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 612,190 млн. сўм, ҚҚС билан 734,628 млн. сўм.

Лот 7-2. «Жиззах виллояти Бахмал туманидаги 72-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 120 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 367,826 млн. сўм, ҚҚС билан 441,391 млн. сўм.

Лот 7-3. «Жиззах туманидаги 960 ўқувчи ўринли 25-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 463,483 млн. сўм, ҚҚС билан 556,179 млн. сўм.

ЛОТ № 11

Лот 11-1. «Жиззах шаҳридаги Жиззах давлат педагогика институти қошидаги Сайилжой академик лицейининг 200 ўринли ётоқхонасини капитал реконструкция қилиш».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 291,833 млн. сўм, ҚҚС билан 350,2 млн. сўм.

Лот 11-2. «Жиззах шаҳридаги 750 ўқувчи ўринли Жиззах олимпия захиралари касб-хунар коллежи биносини капитал таъмир-

лаш».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 1 150,417 млн. сўм, ҚҚС билан 1 380,5 млн. сўм.

Лот 11-3. «Жиззах виллояти Дўстлик туманидаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-хунар коллежи биносини капитал таъмирлаш».

Объектнинг бошлангич қиймати: ҚҚСсиз 542,083 млн. сўм, ҚҚС билан 650,5 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддатиги: Соғлиқни сақлаш муассасалари учун 2013 йил 30 сентябрга. Таълим муассасалари учун 2013 йил 15 августга.

Ишларни молиялаштириши: «Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш» жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8-372) 222-46-40.

Диққат! Бошлангич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектилари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошлангич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектилари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилмади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйдаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фойиз миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни баҳарлиш учун зарур

бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўқшаш ишоотларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйдаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қончиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни баҳарлиш ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Жиззах виллояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйдаги телефон бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70-150 миңг сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юридадаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – оферталар очирилиши кунини ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (виллоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлис залли.

Лот-1: «Тошкент виллояти Янгийўл туманидаги «ЦЯК» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш».

Буюртмачининг белги-ланган бошлангич нархи (ҚҚСсиз) 501 827 859 сўм; ишларни тугатиш муддати 11 ой.

Лот-2: «Тошкент виллояти Бекобод туманидаги «Дехқонбод» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш».

Буюртмачининг белги-ланган бошлангич нархи (ҚҚСсиз) 1 593 223 962 сўм; ишларни тугатиш муддати 24 ой.

Лот-3: «Қашқадарё виллояти Миришкор туманидаги «УК» хўжаликлараро коллекторини қуриш».

Буюртмачининг белги-ланган бошлангич нархи (ҚҚСсиз) 740 211 198 сўм; ишларни тугатиш муддати 12 ой.

Лот-4: «Қашқадарё виллояти Нишон туманидаги «3-К-4-3» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш ва қуриш».

Буюртмачининг белги-ланган бошлангич нархи (ҚҚСсиз) 832 124 672 сўм; ишларни тугатиш муддати 12 ой.

Лот-5: «Сурхондарё виллояти Жарқўрғон тумани «Т.Шобуров» СИУда коллекторлар қуриш».

Буюртмачининг белги-ланган бошлангич нархи (ҚҚСсиз) 726 201 460 сўм; ишларни тугатиш муддати 14 ой.

ратчиларга қуйдаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни баҳарлиш, хизмат кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Танлов савдолари ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент виллояти худудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга мос қилишлари керак: улар танлов савдолари предмет қ

